

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ ЁКИ СУДЛАНУВЧИГА АДВОКАТЛАР ТОМОНИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ЎТКАЗИШДА ИНСОН ОМИЛИНИНГ УСТИВОРЛИГИ

Ибрагимов Акмал Ишмуратович

“CONSILIUM” Адвокатлик фирмаси адвокати

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568244>

**Аннотация:** Мақолада жиноят процессуал муносабатларда гумон қилинувчи айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказишда инсон омилининг устиворлигини такомиллаштириш масалаларига эътибор берилган.

**Таянч сўзлар:** жиноят процессуал муносабатлар, гумон қилинувчи айбланувчи ёки судланувчи, ички ишлар органлари, адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш, харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш, процессуал ҳаракат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 20 июнь кунидаги 137-сонли қарорига[1] асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддасига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги[2] Қонунининг 11-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 20 июнь кунидаги 137-сонли қарорига[3] асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун харажатлардан озод қилинган ҳолларда юридик ёрдам учун харажатлар давлат ҳисобига ўтказилган.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш учун асос бўлиб, юридик ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими ҳисобланади.

Оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг иш жойидан берилган охириги ўн икки ойлик даромади тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлган тақдирда, уни илова қилган ҳолда яшаш жойидаги маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ваколатланган комиссия томонидан берилган хулосага асосан ҳақ тўлашдан озод қилинади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

Ҳужжатларни тўплаш мажбурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга юклатилади. Ушбу ҳужжатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга гумон

қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ёки уларнинг қариндошлари томонидан ҳам тақдим этилиши мумкин.

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириши шарт бўлган муддатларда кўрсатилган ҳужжатларни тўплаш имконияти бўлмаса суриштирувчи, терговчи, прокурор бу ҳужжатларни келгусида тўплаш билан гумон қилинувчи ва айбланувчини юридик ёрдам учун тўловдан озод этишга ҳақлидир.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан озод этишга асослар мавжуд эмаслиги фактлари аниқланса, адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам бўйича харажатларини қоплаш ҳукм қилинганга юклатилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимоячидан воз кечиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатда адвокат иштирок этиши ҳолларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 52-моддасининг[4] иккинчи қисмига мувофиқ жиноят ишида ҳимоячининг қатнашиши мажбурий деб ҳисобланган ҳолларда ҳам юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш бўйича харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

Адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаси тегишли молия органига мурожаат қилгандан кейин ўттиз кундан кечикмай Молия вазирлигининг қарор (ажрим) чиқарган орган жойлашган жойдаги Ғазначилиги ҳудудий бўлинмаси орқали Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланиши ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича кўрсатилган юридик ёрдам тўғрисидаги маълумотномага асосан амалга оширилади.

Суриштирув жараёнида, дастлабки тергов босқичида, биринчи инстанция судларида ва апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўрилатган ишларда адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўлов ҳар бир кун учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Икки ва ундан ортиқ шахсларга битта жиноий иш бўйича адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўлов ҳар бир ишонч билдирувчига, белгиланган тўлов миқдорининг 80 фоизи ҳисобида амалга оширилади.

Суд мажлисининг ҳар бир танаффус куни учун тўлов адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун, белгиланган тўлов миқдорининг 50 фоизи ҳисобида амалга оширилади.

Дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунлари адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўлов энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, тунги вақтда эса энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизмат сафари ва транспорт харажатлари миқдори адвокатлик тузилмаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади ҳамда маълумотномада кўрсатилади.

Адвокатнинг ишда иштирок этиши суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан кўрсатилган адвокатлик тузилмасига мурожаатнома юбориш йўли билан таъминланади. Мурожаатномада адвокатнинг шахси кўрсатилмаслиги керак.

Адвокатнинг аниқ бир ишни юритишга ваколати ордер билан тасдиқланади.

Юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими ҳимоячининг жиноий ишда иштирок этиши бошланиши билан бир вақтда чиқарилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячидан воз кечиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатда адвокатнинг иштирок этиши ҳолларида юридик ёрдам учун тўловдан озод этиш тўғрисидаги қарор (ажрим) адвокат иштирок этган процессуал ҳаракат тугатилгандан сўнг чиқарилади.

Ҳар битта процессуал ҳаракатда, маълумотнома, яъний иш рақами, жиноий ишда иштирок этган адвокатнинг фамилияси, исми ва шарифи, ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги шахс)нинг фамилияси, исми ва шарифи, иштирок кунлари, тўлов миқдори ва адвокатлик тузилмасининг банк реквизитлари албатта кўрсатилган ҳолда уч нусхада тузилади ва адвокатлик тузилмаси раҳбари томонидан имзоланади ҳамда унинг муҳри билан тасдиқланади. Маълумотномада адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Адвокат жиноий ишда узоқ вақт иштирок этган ҳолда (бир ойдан ортиқ) маълумотнома ҳар ойда тузилади.

Юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарган шахс ҳар ойда ёки суриштирув жараёни, дастлабки тергов босқичи тугаган куни ёки суднинг тегишли қарори чиқарилган куни маълумотномани ўзининг имзоси ва суриштирув, тергов ёки суд органи муҳри билан тасдиқлаши шарт.

Маълумотноманинг бир нусхаси адвокатлик тузилмасида қолади, иккинчи нусхаси маълумотномани тасдиқлаган шахсга ишга қўшиш учун берилади, учинчи нусхаси эса юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги қарор (ажрим) билан бирга адвокатлик тузилмаси томонидан тегишли ҳудудий молия органига юборилади.

Молия вазирлигининг Ғазначилиги ҳудудий бўлинмаси адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун тўловларни адвокатлик тузилмасининг мурожаатномаси тегишли молиявий органга келиб тушган кундан бошлаб, ўттиз кун муддатдан кечиктирмасдан маълумотномага ва юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги қарор (ажрим)га асосан адвокатлик тузилмасининг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиб бериш йўли билан тўлаб беради.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказишда адвокатлик тузилмасидан қўшимча ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Молия вазирлигига тегишли ҳудудий молия органларининг мурожаатлари асосида адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш мақсадли бюджет маблағлари республика бюджетидан тегишли қўйи бюджетига белгиланган тартибда пайдо бўладиган бюджетлараро ўзаро муносабатлар тартибга солинган тақдирда ўтказилади.

Мухтасар қилиб айтганда, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби

бўйича самарали механизм яратилган бўлиб, ушбу механизм доирасида бугунги кунда инсон омилининг ҳар нарсадан устун эканлигини кўришимиз мумкин.

**References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июнь кунидаги 137-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/1363850>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун// <https://lex.uz/docs/54503#55841>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июнь кунидаги 137-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/1363850>
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Т-2014й /111460#253615